# ПРИНЦИПИАЛ ТАНҚИД БЎЛСИН

## ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОМИТЕТ ИШ УСЛУБИ

Ҳозир барча бошланғич партия ташкилотларида Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди, область XXII партия конференцияси материаллари ҳар томонлама чуқур ўрганилмоқда. Ҳозир бошланадиган партия йиғилишларида коммунистлар бу анжуманларда қўйилган вазифаларни ишчанлик билан таҳлил қилиб, истиқбол йўлларини белгилаб олмоқдалар.

Йиғилишларнинг жонли ва таъсирли ўтиши кўп жиҳатдан кун тартибига қўйилаётган масалаларга, қилинаётган докладнинг мазмунига боғлиқдир. Биз партия йиғилишларига тайёргарлик ва уларни ўтказиш юзасидан бажарилаётган ишларни мунтазам таҳлил қилиб бораяпмиз.

Кейинги йилларда партия йиғилишлари кун тартибига қўйилаётган масалалар мавзу жиҳатидан ранг-баранг бўлиб бораяпти. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми талаблари асосида партия йиғилишларининг тарбиявий роли сезиларли даражада ошди. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, интизомни мустаҳкамлаш, сиёсий тарбиявий ишларни такомиллаштиришга оид масалалар йиғилишларда ишчанлик билан муҳокама қилинмоқда.

Партиянинг съездолди ҳужжатлари муҳокамасига бағишланган йиғилишлар социалистик мусобақани кенг ёйдириш, коммунистларнинг ижодий активлигини оширишга ёрдам берди. Кўпгина ташкилотларда партиянинг съездолди ҳужжатлари манфаатдорлик, ишчанлик билан муҳокама қилинди. Коммунистлар партия Программаси ва Устави лойиҳаларига 140 дан ортиқ таклиф ва қўшимчалар киритдилар. Йиғилишларни ўтказишда «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси, тепловоз ремонт заводи каби корхоналар партия ташкилотлари бой тажриба тўплаган.

Кўпгина йиғилишлар танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумидан сўнг коммунистлар ва партия аъзолигига кандидатлар, шу жумладан, раҳбарларнинг КПСС Устави талабларини қандай бажараётганликлари ҳақидаги ҳисоботлари мунтазам тинглаб борилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида турли лавозимдаги 235 раҳбарнинг ҳисоботи тингланди. Бу тадбир коммунистларнинг топширилган иш участкаси учун масъулиятини янада ошириш имконини берди, коммунистларнинг активлигини оширишга кўмаклашди. Агарда 1983 йил бўлиб ўтган партия йиғилишларида коммунистларнинг ўрта ҳисобда 3 нафари музокарада қатнашган бўлса, ўтган йили бўлиб ўтган йиғилишларда 4—5 нафар коммунист сўзга чиқиб, кун тартибига қўйилган масалалар бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди. Бу айниқса, ҳисобот-сайлов йиғилишлари пайтида яна ҳам эркинроқ сезилди. Йиғилишларда партия ташкилоти ҳисобидаги коммунистларнинг 96,5 проценти иштирок этди. Ҳисобот докладларини муҳокама қилиш чоғида сўзга чиққан коммунистлар 91 та танқидий фикр ва мулоҳаза билдирдилар.

Эндиликда район партия комитети аппарати ходимлари, сайлаб қўйилган активлар партия йиғилишларида мунтазам иштирок этмоқдалар. Бошланғич партия ташкилотларида ўтган йили бўлиб ўтган 527 та йиғилишда, цех партия ташкилотларининг 468, партия группаларининг 320 та йиғилишида улар қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Кейинги йилларда очиқ партия йиғилишлари, коммунист ва комсомолларнинг бирлашган йиғилишларини ўтказишга эътибор кучаймоқда. Кун тартибига қўйилаётган масалаларни ҳал этишга кенг активни ва барча меҳнаткашларни жалб этиш мақсадида шундай қилинмоқда. Ўтган йили 90 процентдан ортиқ йигит-қиз очиқ партия йиғилишларида КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилиндилар. Йиғилишларда коммунистлар ҳам, партиясизлар ҳам сўзга чиқиб партияга қабул қилинаётган номзод ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Лекин шунга қарамай айрим партия ташкилотлари йиғилишларга ҳозирлик кўриш ва уларни ўтказиш юзасидан қўйилаётган янги талабларни суст бажармоқдалар. «Стройдетал» тресті, район «Автодормехбаза» корхонаси, картон заводи партия ташкилотлари йиғилишларни ўтказиш муддатини қўпол равишда бузмоқдалар, коммунистларнинг давомати ниҳоятда паст бўлмоқда. Кун тартибига қўйилган масалалар муҳокамаси суст ўтмоқда.

Биз йиғилишлар кун тартибига қўйилган масалаларни таҳлил қилиб чиқдик. Маълум бўлишича, муҳокама қилинган масалаларнинг 57,6 проценти социалистик мусобақага раҳбарликка оиддир. Масалаларнинг 15,9 проценти идеологик ва сиёсий-тарбиявий ишларга, 19 проценти ташкилий-партиявий ишларни такомиллаштиришга, 2,3 проценти комсомолга партия раҳбарлиги соҳасида қилинаётган ишларга бағишланган. Йиғилишларнинг атиги 5,2 процентида коммунистлар ҳисоботи тингланган. Кўпгина йиғилишларда фақат хўжаликка оид масалалар кўриб чиқилган.

«Ташхимсельмаш» заводида комсомол ташкилоти иши ниҳоятда суст ташкил этилган бўлишига қарамай партия ташкилоти бу соҳадаги камчиликларни узоқ вақт кўрмай келди. Кейинги икки йил давомида завод комсомол ташкилоти секретари 4 марта янгиланди. 50 процентдан ортиқ комсомоллар ҳисобга олинмаган эди. Картон заводи партия ташкилоти эса ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаш, қўл меҳнатини енгиллаштириш билан суст шуғулланмоқда. Ҳозир жами ишнинг 45 процентдан кўпроғи қўлда бажарилаяпти. Лекин партия йиғилишларида бу соҳадаги камчиликлар бирон марта ҳам муҳокама қилинмади. Бу ҳол партия ташкилоти иши нотўғри планлаштирилганлигини кўрсатади.

Республика модалар уйи, «Ташметропроект» институти партия ташкилотлари эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми талаблари асосида танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришга эътиборсизлик билан қарамоқдалар. Йиғилишларда йўл қўйган камчиликлар принципиал танқид қилинмаяпти. Кадрларга нисбатан талабчанлик оширилмаяпти. Шундай камчиликларга бошқа ташкилотларда ҳам йўл қўйилмоқда. Бунинг оқибатида мансабни суиистеъмол қилиш, социалистик мулкни талон-тарож этиш ҳоллари келиб чиқмоқда.

Район партия комитети суст ишлаётган ташкилотлар фаолиятини таҳлил қилиб тегишли чоралар кўрмоқда. Ишни яхшилаш тадбирларини кўрмаганлиги, КПСС Устави талабларини қўпол равишда бузганлиги, ижрочилик интизомига риоя этмаганлиги учун картон заводи партия ташкилоти секретари А. Юсуповга виговор эълон қилинди. Тошкент химия фармацевтика заводи партия ташкилоти секретари В. К. Заименко, Республика модалар уйи партия ташкилоти секретари Г. А. Айрапетов, 1-автокорхона партия ташкилоти секретари С. Бекназаров эътибори ишда йўл қўйилган камчиликларга қаратилди.

Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини ошириш, коммунистлар активлигини ўстириш юзасидан олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш лозимлигини уқтирди. Биз съезд талаблари асосида ижро устидан назоратни яна ҳам кучайтирмоқдамиз, қабул қилинган ҳар бир қарорнинг бажарилиши учун курашмоқдамиз.

**В. АНДРОСОВ,**
**Ленин район партия комитети ташкилий бўлими мудири.**

## СЪЕЗДОЛДИ ВАХТАСИДА



**● Республикамиз пойтахти саноат корхоналарида съездолди меҳнат вахтаси қизғин давом этмоқда. Унда фаол қатнашаётган кўплаб ишлаб чиқариш илғорлари топшириқларни ошириб адо этмоқдалар. Ушбу суратда социалистик мусобақа илғорларидан Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешқадам чевари Шарофат Ризабоева ва «Миконд» заводининг тажрибали токари Музаффар Саидовларни кўриб турибсиз. Улар ҳар сменада нормани 1,5 баравар атрофида бажаришмоқда.**

**М. Шарипов ва М. Нуриддинов** фотолари.



# ДЕПУТАТЛАР—МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

Тошкент тўқимачилик комбинати кўпгина цехлари ва фабрикаларининг маиший хоналари ёруғ ва шинам бўлиб қолди. Булар капитал ремонтдан чиқарилди.

Бу иш корхонада меҳнат қилаётган депутатлар группасининг талаби билан амалга оширилди. Депутатлар группасида халқнинг 18 нафар вакили бор, улар ишлаб чиқариш ҳамда социал масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этмоқдалар. Масалан, тўқимачилар кўпгина фабрика ва цех ёрдамчи хоналари эскириб кетганлигини, комбинат раҳбарлари, касаба союз комитети ремонтни пайсалга солаётганликларини депутатларга айтган эдилар. Депутатлар бу масалаларни группа йиғилишида муҳокама қилиб, дирекция ва касаба союз комитетидан шошилинч чоралар кўришни талаб қилдилар. Кўп вақт ўтмай, ана шу мақсад учун юз минг сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди. Бироқ, ишлар жонланиб кетгандан кейин ҳам депутатлар тиниб-тинчишмади. Улар ремонт ишларининг боришини мунтазам кузатиб турдилар. Қурилиш материаллари келтирилишини контрол остига олдилар. Натижада маиший хоналар ремонти белгиланган муддатидан олдин тугалланди.

Депутатлар бу наказни бажариб бўлгач, умумий овқатланиш соҳасидаги камчиликларни тугатишга киришдилар, чунки бу ҳақда ҳам шикоят кўп эди. Уларнинг талаби билан комбинатдаги ҳамма ошхоналар ва буфетлар ремонт қилиниб, санитария ҳолати яхшиланди. Улар кенгайтирилди, ип-йигирув фабрикасида янги чойхона қурилди.

**(ЎзТАГ мухбири).**

# ЙИЛЛИК ПЛАН—ОКТЯБРЬ БАЙРАМИГА

ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинатининг 1-тўқув фабрикаси коллективи КПСС XXVII съездини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олишга ҳаракат қилмоқда. Корхонада съездолди социалистик мусобақаси тобора қизиб бормоқда. Бу меҳнат беллашувига Жўра Тўйчибоев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси коллективи карвонбошилик қилмоқда. Бригада беш комплектдан иборат бўлиб, унга 23 киши бирлашган. Ишчилар салкам тўрт йилдан бери ягона наряд асосида ишлашмоқда. Бригадир Ж. Тўйчибоев нормадаги 50 ўрнига 96 та, мастер ёрдамчиси Маҳмуд Қорабоев эса 104 та станокка хизмат кўрсатмоқда. Шу боисдан коллектив ойлик топшириқларини мунтазам ошириб бажариб келмоқда.

Бригада аъзолари январь ойи топшириғини ошириб адо этдилар. 1986 йил планини Октябрь байрамигача бажаришга ваъда бериб, уни муваффақиятли уддалаш учун унумли ишлашмоқда.

**А. ГЕХТЛЯР.**

РАЙОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

## «ЛЕНИН БАЙРОҒИ»

Чиноз райони саноат корхоналари ва хўжаликларида 20 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари қўлни қўлга бериб фидокорона меҳнат қилмоқдалар. **«Ленин байроғи»** газетасининг навбатдаги сонида кўп миллатли район меҳнаткашлари эришаётган ютуқлар, дўстлик ва қардошлик самаралари мадҳ этилди.

«Халқлар дўстлиги-ла қудратли Ватан, ғолибу музаффар, шуҳратли Ватан!» умумий сарлавҳаси остида берилган қўш саҳифада турли соҳа вакиллари ўз мақолалари билан иштирок этишган. 2-автобазанинг Я. Госанов бошлиқ ҳайдовчилар бригадасида етти миллат вакиллари меҳнат қилаяпти. Улар ҳамиша бир-бирларига ҳамдамдирлар. Дўстлик туфайли коллектив беш йиллик топшириғини муддатидан олдин адо этди. Янги йилнинг дастлабки икки ойи плани ҳам бажарилиш арафасида турибди.

Я. Госанов ўзи ва дўстлари ҳақида қизиқарли ҳикоя қилган. «Чиноз» наслчилик совхоз техникуми сут соғувчиси Ф. Бекқулова, «Октябрь 40 йиллиги» колхози бригада бошлиғи В. Ким ва бошқаларнинг мақолалари ҳам кўп миллатли коллективлар ҳаётига бағишланган.

Партиямиз XXVII съезди арафасида чиқарилган махсус сон ленинча миллий сиёсат тантанасини яна бир бор намойиш этган.

## «ЯНГИЙЎЛ»

«Съездлар йили — зафарлар йили бўлсин». **«Янгийўл»** газетасининг навбатдаги сони шундай умумий сарлавҳа билан чиққан.

Бир группа пахтакорлар, чорвадорлар, пиллакорлар съездлар йилини зафарлар йилига айлантириш юзасидан қимматли ташаббус билан чиқдилар. Улар пахта ҳосилдорлигини 40 центнерга, ҳар бош соғин сигирдан олинаётган сут миқдорини 3500—4000 килограммга етказишга, пилладан мўл ҳосил олишга қарор қилдилар.

Илғорлар ташаббуси район партия комитети бюросида кўриб чиқилиб маъқулланди. Қўш саҳифада эълон қилинган материалларда ташаббускорларнинг мажбуриятлари билан танишасиз. Партия XXVII съезди шарафига бошланган бу ташаббусни ҳар томонлама қўллаб-қувватланса арзийди. Газета энди ташаббус қандай ёйилаётганлиги ҳақида қизиқарли материаллар бериб бориши, зиммага олинган мажбуриятларнинг бажарилишини доимо текшириб туриши керак.

# ЎҒИЛБУВИ ЎЙЛАРИ



ҲАР ШАНБАДА чорвадорлар куни ўтказилаётганлиги яхши бўлди. Шу баҳона билан баланд қирнинг бағрига шинамгина чорвадорлар уйи қурилди. Бу ердан бутун ферма территорияси кафтдагидек кўриниб туради. Бир ҳафталик ишга якун чиқарилиб, натижаси шу бинода ҳамманинг иштирокида муҳокама қилиняпти. Планга қўшимча сут топширган соғувчи ва молбоқарлар мусобақа шарти бўйича ҳафтасига 20 сўмгача мукофот пули олишяпти. Совхоз раҳбарлари мукофотни тантанали суратда топширишмоқда.

Айниқса, ўзларининг айблари билан планни бажармаганларга маълум миқдорда жарима солиш жорий қилингани ишда фойда бераяпти. Жаримага тушмаслик учун ҳар бир соғувчи ва молбоқар мусобақа шартларини сўзсиз бажаришга ҳаракат қилаяпти. Бундан ташқари чорвадорлар куни муносабати билан ўтказилаётган йиғилишларда тажрибаларни оммалаштириш билан бирга ишга халал бераётган камчилик ва нуқсонлар ҳам очиб ташланмоқда, раҳбар ва мутахассислар олдига муаммолар қўйилмоқда.

— Дарвоқе, бугун шанба, — эслади Ўғилбуви тонг саҳарда уйидан чиқар экан.— Кечки соғиндан сўнг ҳамма чорвадорлар уйига тўпланади. Кўпдан бери ўйлаб юрган гапларимни бугун айтмасам, қачон айтаман. Эрта-индин Москвага, съездга жўнасам, кечикиб кетади...

Ўғилбуви гапни нимадан бошлашни билади. Мана ҳозир у молхонага кириб тонгги соғимга киришади. Катта челакни олиб, ўзига бириктирилган сигирларни бирма-бир қўлда соғиб чиқиши керак. Ферма бунёдга келгандан буён аҳвол шу. Чунки бир ҳафтада икки-уч марта электр қуввати бўлмай қолади. Сигирларни бир гал қўлда, бир гал эса аппаратда соғиш мумкин эмас. Чироқларнинг нимага тез-тез ўчиб туриши сабабини соғувчилар, молбоқарлар билишмайди. Раҳбарлардан, мутахассислардан сўрашса, тоғли зонадамиз, иқлим шароитимиз бошқача, дейишади-ю, аниқ гап айтишмайди.

Хўш, қачонгача шундай бўлади? Бу муаммони район ташкилотлари ҳам ҳал қилишолмайдими? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Ечилмайдиган муаммо бўлмайди. Калаванинг учини топиш керак.

Мана, яна бир муаммо. Юқоридан бўладиган баъзи бир нотўғри кўрсатмалар хўжаликка фойда ўрнига зарар келтиряпти. Масалан, фермада қурила бошланган ўт уни тайёрлаш цехини олиб кўрайлик. У битиб ишга тушгач, хом ашё сифатида кўплаб беда керак бўлади. Лекин қани ўша беда? Совхознинг 800 бош қорамоли, шу жумладан, 317 бош сигири учун бор-йўғи етти гектар суғориладиган бедапоя бор, холос. Сигирлар эса уч фасл давомида узлуксиз кўк беда бериб боқилсагина дуруст сут беради. 7 гектар бедапоядан чиқадиган кўк масса неча кунга етади ахир?

## КПСС XXVII СЪЕЗДИ ДЕЛЕГАТЛАРИ

Шу боисдан совхоз ҳар йили ёз ойларида қўшни районлардан кўк масса сотиб олиб, сигирларга едиришга мажбур бўлаяпти.

Ўғилбувининг бу ҳақда кўпдан бери бош қотириши бежиз эмас. Чунки ҳозир Паркент районидаги энг илғор хўжаликлардан бири бўлган шу Калинин номли совхозда ҳам сигирларнинг маҳсулдорлиги 2000 килограммдан бироз ошяпти, холос. Район бўйича эса 1900 килограмм атрофида бўлаётир. Бунга сабаб суғориладиган майдонларнинг озлигидир. Қорамолчиликда табиий ўтлоқларга ишониб сутни кўпайтиришни планлаштириш тўғри бўлмайди. Кўкламги ёғин-сочин билан ўримга келган ўт-ўланлар яна қайта ўсиб чиқмайди. Ёғингарчилик фасли тугагач, яйловлар қуриб, қовжираб кетади.

Кун бўйи шулар ҳақида ўйлаб юрган Ўғилбуви кечагина партком секретаридан эшитган гапни эслади.

— Мана шу тепанинг ортидаги сойликда янги сув омбори бунёд этиш мўлжалланяпти дейишганига ҳам бир неча йил бўлди, аммо амалий ишдан ҳамон дарак йўқ,— деган эди у.

Бу ҳақда тўлароқ маълумот олиш учун ферма идораси томон йўл олди. Афсуски, партком йўқ экан. Қайтаётиб, тоғ шабадасида ҳилпираб турган байроққа кўзи тушди-ю, беихтиёр тагидаги ёзувга тикилди: «Ферманинг Меҳнат шуҳрати байроғи ҳафталик мусобақа ғолиби Ўғилбуви Йўлдошева шарафига кўтарилди».

У келаси ҳафтада ҳамкасби Ҳури Турсунованинг ғолиб чиқишига шубҳа қилмади. Чунки астойдил ишлаяпти. Молбоқарларга ҳам ёрдамлашиб юрибди.

— Дарвоқе,— Ўғилбувининг хаёлига бир фикр келди,— ўз мулоҳазаларимни аввал ҳамкасбларим билан ўртоқлашсам икки томонлама яхши бўлади. Биринчидан, кўпчиликнинг фикри билан масалалар янада ойдинлашади. Иккинчидан, йиғилишда улар мени қўллаб-қувватлашади.

Ўғилбуви шу қарорга келиб, сут соғувчилардан Ҳури Турсунова, Рўзибуви Эргашева, Шарофат Турсунова, молбоқар ва бузоқбоқарлардан Усмон Анваров, Маъруфбой Зокировлар билан маслаҳатлашди. Улар Ўғилбувининг фикрини маъқуллашди, далда беришди.

Тўғри-да, камчилик ва нуқсонлар ҳақида рўй-рост гапирилмаса, дадил очиб ташланмаса, ишда ҳеч қачон бурилиш бўлмайди. Муаммолар оғиздан оғизга кўчиб юраверади-ю, ҳал этилмайди. У бугун шу ҳақда албатта гапиради.

**А. ЙЎЛДОШЕВ.**

**Суратда: Ў. Йўлдошева.**

**А. Зуфаров** фотоси.

# СИБИРЬ НЕФТЧИЛАРИГА

## ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИ АСОСИДА

Бу юк айниқса маҳкамлаб боғланди. Чунки «Главташкентстрой» 1-уйсозлик комбинатининг шу экспериментал панеллари яқин эмас — уч минг километрдан зиёд «йўл босиб», Тюмень областининг шимолига бориши керак. Бу юкларни қутб доирасидан сал беридаги Нягань станцияси олади.

У ерда «Узбектюменьжилстрой» қурилиш-монтаж поездининг коллективи қураётган иккита беш қаватли уй пойдевори тайёр. Тошкент яқинидаги Собир Раҳимов станциясида машина-ускуналар, бинокорлик материаллари, уй вагонларни эшелонга ортиш тугамоқда. Поезднинг бош инженери Анатолий Борисович Кочнев қурувчиларнинг режалари ва проблемалари тўғрисида бундай деди:

— Няганда иккита микрорайон — 220 минг квадрат метр уй-жой, ҳар бири 2 минг ўринли икки мактаб, олтита болалар боғчаси, 500 ўринли клуб, поликлиника, касалхона, ошхона, савдо маркази, ҳаммом қуриб беришимиз керак. Шу йил 8 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариб, юз квартирали еттита уйни битказиб топширишимиз керак.

**— Тюменнинг шимолида уй-жой қуриш практикасида илк бор кўп қаватли панель уйларни қуришингизга тўғри келади. Улар қандай уйлар бўлади?**

— Бу кўп қаватли уйнинг махсус шимолий вариантидир. Москвалик лойиҳачилар БАМга атаб ишлаб чиққан серия асос қилиб олинди. Панелларнинг орасида пенополистиролдан совуқ ўтказмайдиган қатлам бўлади. Деразалар уч қават қилиб ишланади, Подъездлардаги эшиклар тамбурли бўлади. Квартиралар эса юз минглаб тошкентликлар яшаётган квартираларга ўхшайди.

**— Ўзбекистонлик бинокорларнинг биринчи навбатдаги ишлари ҳақида гапириб берсангиз?**

— Буюртмачи — «Красноленинскнефтегаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси бизга бир ярим миллион сўм ажратди. Шу маблағга ўз посёлкамизни, ишлаб чиқариш базасини қурамиз. Яқин кунларда жўнаб кетадиган биринчи қурувчилар отряди шу иш билан шуғулланади. Кетма-кет келаётганлар учун уй-жой қуриш энг биринчи юмушимиз бўлади.

**— Сибирда Ўзбекистондан бориб нефть конларига автомобиль йўлларини қураётганлар ишлашаётганига бир неча йил бўлди. Улар сизларга ёрдам беришаётгандир?**

— Ёрдам берганда қандоқ! Янги йил арафасида етиб борган бир бригадамиз Няганга тушди. Улар 4 та вагонда яшамоқдалар. Юртдошларимиз биргалашиб машина-ускуналарни туширдилар, уй вагонларни «Узтюменьдорстрой» қозонхонасига уладилар, электр симларини тортдилар.

Асли сибирликлар ҳам бизни хушнудлик билан кутиб олдилар, улар билан иш устида иноқлашиб кетдик. Масалан, дастлабки объектларимизнинг нуль цикл ишларини «Приуралнефтегазстрой» трестининг ишчилари бажармоқдалар. У ернинг ўзига хос хусусиятлари борки, уларни ҳали ўзлаштиришимиз керак: ҳамма ёқ ботқоқ, ҳамма фундаментлар қозиққа қўйилган, бошқа кўп мушкулликлар бор. Бу ернинг оғир шароитида бир-бирининг юкини енгил қилишда ҳикмат кўп.

**— Тошкентлик бинокорлар отрядида 100 киши бор, дедингиз. Шу коллектив тўлиқ тузилиб бўлдими? Кадрлар етарлими?**

— 100 киши дастлабки дамлардагина кифоя қилади. Биринчи группада ишда неча бор текшириб кўрилган моҳир кишилар бор. Масалан, «Висотстрой» 69-бошқармасидан Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор Петр Емельянович Костенконинг комплекс бригадаси қарийб тўла составда бизга ўтди. Бу коллектив Тошкентнинг янги телеминораси каби ғоят мураккаб объектларни қуришда қатнашган. Поезд бошлиғи Анвар Мелиевич Мағозов ҳам мана шу бошқармадан.

Кейинчалик бориб, трест тузилса керак. Унда мингга яқин ишчи бўлади. Бинокорлар учун уй-жой қуриб битказилган сайин коллектив катталашиб бораверади.

**— Яқин фурсатда қандай проблемалар ҳал этилиши лозим?**

— Аввало 1-уйсозлик комбинатида совуқ ўтказмайдиган панеллар ишлаб чиқаришни равон йўлга солиб юбориш зарур.

Тюмень ва Томск областлари партия хўжалик активининг кенгашида барча қардош республикаларнинг куч-ғайратларисиз, ғарбий Сибирь нефть ва газ комплексини яратиб ва ривожлантириб бўлмаслиги таъкидланганди. Чунончи, шу иш кўламларини кенгайтириш лозим. Тошкентлик бинокорлар ўз интернационал бурчларини бажаришга, Сибирь нефтчилари ва газчилари учун, унинг бойликларини ўзлаштирувчилар учун уй-жой ва социал-маданий-маиший объектларни қуришда зарбдор меҳнат қилишга маҳкам бел боғлаганлар.

Оқ йўл сизга, ўзбекистонлик ҳашарчилар!

**С. КИМ,**
**ЎзТАГ мухбири.**

## ИЛМ—ФАНГА ТАЯНИБ

**Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг қўрғошин-руҳ саралаш фабрикасида қўрғошин концентратидан мис маҳсулотини ажратадиган қурилма монтаж қилиниб бўлди. У КПСС XXVII съезди очилиши арафасида дастлабки маҳсулотини бермоғи керак.**

**Янги қурилмани ишга туширишнинг аҳамияти катта. Чунки бу ердаги конларнинг қўрғошин-руҳ рудаси таркибидаги мис миқдори ортиб бормоқда. Унинг миқдорини норма бўйича йўл қўйилган процентда сақлаб туриш учун хом ашёни ювиш миқдори кўпайтирилмоқда. Бунда мис тугул, ҳатто қўрғошин биргалашиб чиқувчи бир қанча металлар ҳам нобуд бўлмоқда. Тошкент политехника институти Олмалиқ филиали олимлари билан ҳамдўстлик туфайли шундай технологияни ишлаб чиқиш мумкин бўлдики, бунда мис миқдори процентнинг ўндан бир улушига қадар камаяди.**

**(ЎзТАГ).**

# Хатлар «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» назоратида

## ТЕКШИРИШЛАР, НАТИЖАЛАР, ЧОРАЛАР

**«Ангрен шаҳридаги колхоз бозори дарвозаси олдида аравачаларда айрим кишилар нон сотишади. Улар ҳеч қаерда ишламай, шу йўсинда фойда кўрмоқдалар. Маъмурий орган ходимлари эса уларга қарши ҳеч қандай чора кўрмаяптилар».**

— Т. Шералиев ўз хатида жуда тўғри масалани кўтарган,— дейилади Ангрен шаҳар Советы ижроия комитетининг раиси С. Ҳолмирзаевнинг редакцияга юборган жавобида. Хат шаҳар ижроия комитетида бўлим мудирлари ва шаҳардаги тегишли ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида кўриб чиқилган. Унда билдирилган танқидий эътирозлар тўғри деб топилган.

Шаҳар ички ишлар, молия, савдо бўлимларига уйида нон ёпиб, сотаётган шахсларга нисбатан тегишли чораларни кўрмаганликлари кўрсатиб ўтилган. Уларга Димитров кўчасидаги сартарошхона ёнида нон сотишни таъқиқлаш ва бозор ичида савдони ташкил қилиш устидан назорат қилишни кучайтириш топширилган.

* * *

**«Янги Ангрен ГРЭСига мени тўртинчи разряд билан навбатчи слесарлик вазифасига ишга олишди. Бироз ишлагач, уй-жой билан таъминлашни айтишиб, навбатга қўйишди. Навбатим келгач менга 3 хоналик эмас, 2 хоналик квартира беришди. Бунинг устига тўртинчи разряддан учинчи разрядга тушириб қўйишди. Шу тўғрими?»**

— Янги Ангрен ГРЭСи касаба союз комитетининг раиси М. Сайдалиевдан олинган жавобда навбатчи слесарь Б. Маматовнинг аризаси комитетда кўриб чиқилганлиги хабар қилинади. Ҳақиқатан ҳам Б. Маматовга унинг розилиги билан икки хоналик квартира ажратиб берилган. У бошқа ишга ўтказилишини илтимос қилиб берган аризаси кўриб чиқилган ва янги ишга учинчи разряд билан ўтказилган. Унга разрядини малака ошириш комиссияси орқали ўзгартириш мумкинлиги тушунтирилди. Уй-жой шароитини яхшилаш учун цех касаба союз комитетига Б. Маматов янгидан ариза берди.

## «ИККИЛАМЧИ РЕСУРСЛАР ХЎЖАЛИК ОБОРОТИГА»

**(Бир мақолага иккинчи жавоб)**

**Газетанинг 1985 йил 17 декабрь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада металлолом топширишда камчиликка йўл қўяётган қатор корхона ва ташкилотлар қаторида Ангрен шаҳридаги кўмир разрези ҳам танқид қилинган эди.**

**Разрез директори Ю. В. Антипин ва партия комитетининг секретари Ю. А. Савиловларнинг редакцияга юборган жавобида мақола коллектив ўртасида муҳокама қилинганлиги ва камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланганлиги айтилади.**

**1985 йилнинг ўн бир ойида пландаги 2392 тонна ўрнига 2348 тонна қора металл парчалари Бекобод металлургия заводига жўнатилган. Белгиланган планнинг бажарилишини таъминлаш учун яна 400 тонна қора металл парчалари жўнатиш учун қўшимча тадбирлар кўрилди.**

**Турли маркадаги металл парчаларини аралаштириб жўнатишга йўл қўйганликлари учун 8-участканинг механиги Еналиев, 10-участканинг механиги Киселевларга ойлик маошларининг учдан бир қисми миқдорида жарима солинди. 8-участка бошлиғининг ўринбосари Мадраимов ва разрезнинг бош механиги Ли ўртоқлар маъмурий йўл билан жазоландилар.**

**1986 йилги белгиланган планнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун разрезда иккита доимий бригада ташкил этилди.**

